

АНОРҚУЛ РУСТАМОВ

ОМАДГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

МАҚОЛАЛАР, ҲИКОЯЛАР



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2017

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

Р – 92

Рустамов, Анорқул

Омадга элтувчи йўл / А.Рустамов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 68 бет.

ISBN 978-9943-20-287-0

Ушбу китобга муаллифнинг омад, футбол, истеъдод, инсон руҳияти ҳақидаги фалсафий фикр-мулоҳазалар юритилган мақолалари, қизиқарли ҳикоялари жамланган.

Ҳаётий воқеалар, оддий инсонларнинг кундалик турмушидаги турли муаммолар ёритилган ҳикоялар китобхонни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-20-287-0

© Анорқул Рустамов, «Омадга элтувчи йўл». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

ОМАД ҚАЧОН КЕЛАДИ?

Инсоният пайдо бўлибдики, унга омад ва омадсизликлар ҳамроҳдир. Омад келганлигини ёки тарк этганини инсон гоҳо билмай, сезмай ҳам қолади. Омадни баъзилар Ҳазрат Ҳизр тимсолида учратишига ишонади. Омаднинг йўлини пойлайдиганлар, иши юришиб кетиши учун мушкулкушод каби маъракаларни ўтказадиганлар, фолбину азайимхонларга учраб, турли туморлар қилдирадиганлар, ўзларига дам солдирадиганлар, қадамжоларга сиғинадиганлар, турли-туман лотерея ўйинларида қатнашадиганлар ҳар қадамда учрайди. Яна шуниси қизиқки, омади келганлар ҳеч қачон буни ошкора тан олмайди, омадига кўз тегишидан чўчийдилар. Ҳеч ким ақли ноқислигидан афсусланмаслиги шубҳасиз, шу билан бирга омадсизлигидан нолиб юрадиганлар истаганча топилади.

Омадли бўлиш инсоннинг кўпроқ ўзига боғлиқ. Фақат мана шу омадга элтувчи йўлларни билиш, омад қушини қўлда ушлаб қолиш ва ундан нафақат ўзининг, шу билан яқинларининг, эл-юртининг бахти учун фойдалана билиш лозим. Шунга кўра, фикрларимизни омад қачон келади, қачон кетади ва омаднинг турлари каби шартли бўлимларда шарҳлашга ҳаракат қиламиз.

ОМАД

Эй, ақл эгаси! Омад – илоҳий назорат остида пайдо бўлувчи мураккаб кўриниш. Омад соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик, иқтисодий барқарорлик ва бошқа заруратлар ичида ўзини намоён қилади.

Омад кишининг нияти, орзу-истаги, қилмиш-қидирмишида акс-садо бериб туради.

Омад кишининг кимлигини, яъни таълим-тарбияси, атроф-муҳит таъсири, ота-онадан ўтувчи ирсий омилларни ҳам ўз ичига олади.

Омад бизу сиз билмаган жараёнлар, тақдири азал, интилиш, орзую истакларимиз таъсири остида олқишланади ёки аксинча жазоланади. Орзую истак, ният кишининг кимлигини кўрсатиб турувчи кўзгудир. Ижобий ниятнинг мукофоти ўзи билан биргадир. Салбий ниятнинг жазоси ҳам ўзи билан кўриниш беради. Бунга фақат вақт ҳакамлик қила олади холос. Вақт арқонни узун ташлаб кўювчидир, у на шошади ва на кечикади...

Шахснинг хатоси, ёмон нияти бошқаларга ҳам таъсир кўрсатади. Нопок кимсаларнинг кўпайиши, бирники мингга ақидаси билан катта-катта ҳалокатлар, бахтсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Ёмон қовуннинг уруғи кўп бўлади, деганларидек, ёмон одат ҳам жуда юқумли бўлади. Соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш ва тарғиб қилиш учун кучли ирода, қаттиқ тартиб ва катта маблағ талаб этилади. Бунинг акси ўлароқ, нопок ҳаракатлар, ўлда-жўлда турмуш тарзи учун кўп нарса талаб қилинмайди, салгина бепарволик қилинса бас. Бахтсиз ҳодисаларнинг кўлами нопок кишиларнинг оз-кўплиги билан ўлчанади.

Эй, ақл эгаси! Ҳаёт жуда қизиқ, жуда гўзал, жуда шириндир. Унинг бундай жозибаси ҳаёт-



нинг қадрига етувчилар учунгинадир. Аксинча бўлса, ҳаёт гурбатхона, ташвишлар дояси, уруш-жанжаллар, хор-зорликлар маконидир. Ҳаётга нисбатан мана шундай икки хил зид қараш ёнма-ён яшайди. Табиат инсонни бошқа унсурлар, жонзотлар каби ўз қонуниятларига бўйсундирган.

Ана шу кўрсатмалар билан инсон туғилади, яшайди, авлод қолдиради. Моддий, маънавий манфаат деб куйиб пишади, елиб-югуради. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Борлиқ ҳам табиатнинг бу қонуниятларига итоаткорона ҳаракат қилади.

Баҳор, ёз, куз ва қиш, тонг отишу кун ботиши ҳаёт чархпалагини ташкил қилади. Бизнинг умримиз ана шу чархпалак ичида кечади. Қилмишимизга, таълим-тарбиямизга, истак-нияти-мизга яраша яшаймиз ва бирор сабаб таъсирида дунёдан ўтамиз. Шу тариқа авлодлар алмашаверади.

Аслида инсонни инсон қилган нарса унинг онги ҳисобланади. Онгимиз орқали фойда-зарарни, ҳақ-ноҳақликни, тўғри-нотўғрилиқни ажратамиз, фикрлаймиз.

Олимларнинг фикрича, инсон мияси доим фаолиятда. Ҳатто уйқуда ҳам. Тахминан бир кунда 50 000 тадан 70 000 тагача фикр миямизда айланаркан. Ана шу фикр қандайлигини, ижобий-салбийлигини англаш ва баҳолаш онгимиз, яъни бош миямизга боғлиқ.

Эй, ақл эгаси! Ҳаётнинг мураккаблиги, сирлилиги шундан иборатки, биз микродунё деб атаувчи майда заррачалар, бактериялар оламида яшаймиз. Соч толамиздан юзаб ва минглаб маротаба кичик жонли зарраларнинг борлигини биз кўрмаймиз, сезмаймиз ҳам. Кўринмаган, се-

зилмаган ҳамма нарса биз учун сирли ва мавҳум-дир. Биз зарарли бактериялар билан курашамиз. Агар бу ишни қилмасак, бизларни каттадан-катта кулфатлар, офатлар кутади. Бир замонлар мана шу зарарли бактериялар ва вируслар ўлат, вабо ва бошқа юқумли касалликларни пайдо қилиб, инсониятнинг катта қисми қирилиб кетган. Бу эса инсоният бошига тушган катта омадсизликлардан бири эди.

* * *

Эй, ақл эгаси. Сен ширин орзу-умидлар билан яша. Уларга етишишни ният қил. Орзу-умид билан яшаш ёшлиқдан, соғлиқдан хабардир. Кексалик ва хасталик буларнинг аксидир. Бу ҳолатда орзулар камаяди. Инсоннинг ўтаётган кунигагина хурсанд бўлишдан бошқа иложи қолмайди. Шунинг билки, хастанинг орзу-нияти битта. Соғ одамнинг орзу-нияти эса кўпдир.

Отам ҳозир тўқсон икки ёшда. Бу қайдларимни ўқиётганимда отам неча ёшларда бўлиши худога аён. Мен эа 67 ёшимда бу ҳикояни ёзмоқдаман. Отам тахминан саксон ёшларида бир нарсани ният қила бошладилар: «Эй, Худо, қариганимда оёқ-қўлдан қолмайин...» Бу ниятни ҳар намозга ўтирганида такрорлаганини эшитиб қолардим. Қарангки, отамнинг кўзлари менинг кўзларимдан кўра равшан. Оёқлари танасини бемалол кўтариб юришга қодир. Бундан аён бўлаётгани, отамнинг ҳар намозда астойдил қилган нияти ибодатига омукта ҳолида ботиний онгига жо бўлиб борган. Натижада ана шу орзу-ниятларга қаратилган жараён ботиний кучга айланган. Бу жараён асосида юқоридаги ниятлар вужудга сезгирлик, эҳтиёткорлик, ҳушёрлик бахш эта бора-



ди. Отам ниятига мос равишда ҳали-ҳануз қўлоёқдан қолгани йўқ.

Нимадан қўрқсанг, нимадан хавотирлансанг, у билан учрашмайсан, дейди донолар. Бу эътирофни ҳаёт қонуни ҳам, ирим ҳам дейиш мумкин. Буни ҳайдовчилар ҳаётида яққол кузатиш мумкин. Улар асосан автоҳалокатлардан қўрқишади. Бу эса уларнинг йўлларда ҳаракат чоғида ҳушёр бўлишга чақиради. Асранганни худо ҳам асрайди, дейишади-ку. Аммо катта йўлдаги ҳаракат ҳайдовчининг ўзигагина боғлиқ эмас. Бу йўлда ўнлаб бошқа автоуловлар ҳам ҳаракатланади, йўл шароити, табиат инжиқликлари, кутилмаган тасодифларни ҳам ҳайдовчи ҳисобга олиши шарт. Шу билан бирга, автоҳалокатларнинг катта қисми эҳтиёткорликни унутган, автоҳалокатларга учраш эҳтимолини ҳисобга олмайдиганлар, ундан чўчимайдиганлар томонидан юзага келиши кўп кузатилади.

Бас, шундай экан, яхши ниятлар билан яшаш, бахтсизликлардан сақланиш учун ҳушёрликни бой бермаслик ҳаракатида бўлайлик.

* * *

Қилинган ниятни, орзу-истакни ақл қабул қилади. Ақл бу борада вужудга буйруқ беради ва вужудда ана шу ниятга етишиш учун ҳаракат бошланади, шу ниятга нисбатан эътибор кучаяди. Оқибатда ана шу жараёнга нисбатан кишида сезгирлик, ҳушёрлик ошади. Шуниси қизиқки, орзу-истак чин дилдан қанча кўп қайтарилса, унга етишишга шароит, имконият орта боради. Аксинча бўлганида, орзу-ниятга етишиш имконияти сусаяди, интилиш тугул унинг ўзи йўқолиб кетади.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4157> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4157> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4157>